Ҳурматли муҳарририят! Маҳаллий Кенгашларга депутатларни сайлаганимизга ҳам сал вақтдан кейин икки йил тўлади. Ҳар бир депутат маълумки, сайловчиларнинг қатор топшириқларини олган. Лекин уларнинг бажарилиши кўпчиликка маъқул бўлаётгани йўқ. Ўзи сайловчилар топшириқлари қандай бўлиши керак? Уларни ҳам назорат қиладиган куч борми? Рўзнома орқали шу ҳақда маълумот берсангиз.

**А. МИРЗАОЛИМОВ,**
**муҳандис.**

Кенгашлар ҳаётидан

# Сайловчилар топшириқлари: у қандай бўлиши керак?

**Муштарийнинг мазкур саволини В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик куллиётининг доцентлари С. Султонов ва М. Сандазимовлар шарҳлашади.**

— ССЖИ Олий Кенгаши Раёсати 1980 йил 1 сентябрда «Сайловчилар топшириқлари юзасидан ишлашни ташкил қилиш» тўғрисида Фармон, шу Фармон асосида барча иттифоқдош жумҳуриятларда сайловчилар топшириқлари билан ишлашни ташкил қилиш тўғрисида Низомлар қабул қилган. «Ўзбекистон ССЖда сайловчилар топшириқлари билан ишлашни ташкил қилиш тўғрисида Низом» эса Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатининг 1981 йил 28 декабрь Фармони билан тасдиқланган.

Сайловчилар ўз депутатлари ва халқ депутатлари Кенгашларига топшириқ бериш ҳуқуқи совет тузуми ҳақиқий демократизмининг ёрқин ифодасидир.

ССЖИ халқ депутатларининг мақоми тўғрисида 1989 йил 21 декабрь ССЖИ Қонунининг 27-моддаси сайловчилар ва жамоат ташкилотлари топшириғи масаласини янада ойдинлаштирди. Унда «Округ сайловчиларининг вакиллари қатнашадиган йиғилишлар ёки конференцияларда, жамоат ташкилотларидан сайловлар чоғида эса уларнинг умумиттифоқ ёки жумҳурият органлари съездларида, конференциялари ёки пленумларида халқ депутатлигига номзодлар билан учрашувлар чоғида қабул қилинган топшириқлар топшириқ ҳисобланади.

Сайловчилар топшириқлари уларнинг оддий таклиф, мулоҳаза, илтимос, шикоятлардан фарқи шундаки, топшириқлар сайловолди йиғилишида номзодга ваколат берилиб, барча ёки кўпчилик сайловчиларнинг умумий манфаатларини ифода этади. Таклиф, мулоҳаза, илтимос, шикоятлар эса айрим сайловчи ёки бир сайловчиларнинг манфаатини ифода этиб, умумий характерга эга бўлмайди.

Рўёбга чиқарилиши умумиттифоқ органларининг тасарруфида бўлган топшириқлари ССЖИ халқ депутатларига топшириқлар деб, тегишли жумҳурият ёки маҳаллий органлар тасарруфида бўлган топшириқлар эса иттифоқдош, автоном жумҳуриятлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг халқ депутатларига топшириқлар деб қаралади дейилади. Сайловолди йиғилиши томонидан киритилган наказлар уларнинг ижтимоий аҳамияти, асослилиги ва амалга ошириш имкониятига қараб муҳокама қилинади. Топшириқлар тўғрисидаги таклифларнинг маъқулланганлиги ёки рад этилганлиги ҳақидаги қарор йиғилишда қатнашаётган сайловчиларнинг кўпчилигини очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Топшириқ тўғрисидаги масала сайловолди йиғилишининг кун тартибига махсус масала сифатида киритилади, протоколда ўз аксини топади. Бу протокол маҳаллий Кенгаш ижроия комитетига юборилади.

Сайловчилар топшириқларини бажаришда муҳим босқични: уларни ўрганиш, умумлаштириш ва ижро этиш тадбирларини ишлаб чиқиш ташкил қилинади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмитаси сайловчилар топшириқларини белгилари бўйича гуруҳларга бўлиб, рўйхат қилади, бўлим ва бошқармаларга бажариш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун юборади.

Ижроия қўмитаси бўлим ва бошқармаларнинг хулосаси асосида олинган топшириқларни ижро этиш чоралари режа лойиҳаси тузилади, унда топшириқ тушган сайлов округи номери, топшириқ мазмуни, уни бажариш тадбирлари, ким бажариши лозимлиги, муддати акс этади.

Сайловчилар топшириқларини бажариш юзасидан ишлаб чиқарилган режада ижро этиш учун қабул қилинмаган.

Сайловчилар топшириқларини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган режа лойиҳаси халқ ваколатлар Кенгаши сессиясида тасдиқланади, чунки бу масала уларнинг ваколатига тааллуқли масаладир. Сессияда сайловчилар топшириқларини бажариш режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Сайловчилар топшириқлари ўз мазмуни жиҳатидан турли-туман бўлиб, ваколатчини, халқ ваколатлари Кенгашини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларининг бажарилишига, ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарликни фаоллаштиришга қаратилади.

Сайловчилар топшириқлари ваколатчилар, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг дастуридир.

Халқ ваколатчилари Кенгашлари ўз ҳудудида тўла-тўкис иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлашда бюджет-молия, социал-маданий соҳасидаги фаолиятида сайловчилардан тушган топшириқларни эътиборга оладилар. Улар ўз ижроия комитети, уларнинг бўлим ва бошқармаларини, муассаса ва ташкилотлари раҳбарларининг сайловчилар топшириқларининг бажарилиши ҳақидаги ахборотларни эшитади, бу тўғрида қарор қабул қилиб, топшириқларнинг ўз вақтида, тўла бажарилишини таъминлайдилар.

Сайловчилардан тушган ҳар бир топшириққа алоҳида карточка тузилиб, унга халқ депутатлари Кенгаши қарорининг номери, вақти, бажарилиш учун белгиланган чоралар, муддати ва бажарувчи ташкилот ёки шахс бажариш жараёни белгиланади.

Сайловчилар топшириқлари бўйича олиб бориладиган ишлар ошкоралик руҳида бўлиб, у ижроия комитетнинг халқ депутатлари Кенгаши аҳоли олдида берган ҳисоботида, мажлисларда, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб турилади.

Сайловчилар топшириқларини бажаришда асосий ишни ваколатчилар олиб боради. Номзод ўзининг сайловчилари олдида берадиган ҳисоботида уларнинг топшириқлари бажарилишини кенг ёритиб беради, бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради.

«ССЖИда халқ ваколатчилари мақоми тўғрисида» ССЖИ Қонунининг 27—31-моддалари «Сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг топшириқлари билан ишлашни ташкил этишга» бағишланган бўлиб, ваколат топшириқларини бажаришга аҳолини уюштиришда ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек наказларни қандай амалга оширишга ҳаракат қилади, деб кўрсатади. Бу эса В. И. Лениннинг совет депутатлари «ўзлари ишлашлари, ўз қонунларини ўзлари бажаришлари, турмушда содир бўлган нарсаларни ўзлари текширишлари, ўз сайловчилари олдида бевосита ўзлари жавобгар бўлишлари лозим», деган кўрсатмасининг ёрқин ифодасидир

Совет Иттифоқида сайловчилар топшириқлари социалистик демократияни амалга ошириш, совет фуқаролари эрки, иродаси ва манфаатларини ифода этиш, давлатни бошқаришга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этиш, давлат ҳокимият органлари ва депутатларининг халқ оммаси билан алоқасини мустаҳкамлаш шаклларидан биридир.

## КОРХОНАБОП ЖИҲОЗЛАР

**ЯПОНИЯДАН жумҳуриятимизга келтирилган қурилмалар «Джуки» деб аталади. Улардан тўқимачилик ва трикотаж саноатида кенг фойдаланиш мумкин.**

**Япониялик машинасозлик саноати мутахассислари янги ўзлаштирган бундай мураккаб асбоблардан 20 га яқини Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига ўрнатилди. Ана шу дастгоҳлар корхонанинг чеварлари оғирини енгил қилди.**

**Германиядан юборилган «Унион-специаль» қурилмалари ҳам трикотажчиларга жуда қўл келди. Ундан олтитаси яқинда мазкур цех участкаларига ўрнатилган.**

**Бирлашмада матоларга ранг берувчи техник жиҳозлар сони янгилари ҳисобига янада ортди. Шу ўринда Италиядан келтирилган дастгоҳларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Маҳсулот сифатига ўз таъсирини кўрсатувчи бу хил машиналардан корхонанинг бўёқ цехида фойдаланила бошланди.**

**Чет эллик бундай техник жиҳозлари маҳсулотларни ҳар томонлама пишиқ ва кўркам бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият насб этмоқда.**

**А. АЛИЕВ.**




Жасоратнома

## КЎЗЛАРИГА ТЎТИЁ

ШУНДАЙ хотиралар бўладики у инсон ҳаётида бир умрга муҳрланиб қолади. Смоленск ўрмонидаги 1942 йилги воқеа Мираҳмад отанинг хаёлида узоқ сақланиб қолган. Шундан бери «уруш» сўзини эшитса, замбаракларнинг гумбурлашию, ярадор жангчиларнинг инграши унинг қулоғига чалинади, кўзларида ғилт-ғилт ёш ҳалқаланади.

«Тил» тутиб келиш М. Мирсодиқов бошлиқ жангчиларга топширилди. Баҳодирлар қош қорайганда йўлга чиқдилар. Ўнқир-чўнқир ва қалин буталар орасидан йўл юриб толиққан разведкачилар белгиланган зонага етиб келганларида ғира-шира тонг отган эди. Бир вақт қарс этган ўқ жангчиларни сергаклантирди. Улар яна олдинга эмаклашди. Буни қарангки, атрофи тиканли симлар билан ўралган ва миналаштирилган уй яқинидан чиқиб қолишди. Ҳарбий иншоот диққат билан кузатилди. 15 — 16 метр наридаги сўқмоқ йўлда яна икки немис офицери кўринди. Улар уй эшиги ёнига келиб папирос тутатди-да нималарнидир баҳслашиб ичкарига кирди.

Разведкачилар яна ҳушёр тортишди. Улар командирнинг охирги буйруғини эшитиб шиддат билан олдинга ташланишди. Мираҳмад деразани мўлжалга олиб граната ирғитди. Солдатлар уйга ўқдек отилиб кирдилар.

Баланд бўйли, озғин немис офицери телефон аппаратини ушлаганича, гранатанинг қаттиқ портлашидан бўлса керак, чўзилиб ётарди. Иккинчи офицер Мираҳмадни ярадор қилишга улгурган эди. Икки унтер офицери эса қаршилик кўрсатишга юраклари дов бермай қалт-қалт титрарди. Командир — сержант М. Мирсодиқов жабрланишига қарамай чаққонлик билан фашистларни қуролсизлантиришга ёрдам берди.

Душманларнинг ахборот узатиш уйидан қўлга туширилган муҳим ҳужжатлар навбатдаги қарши ҳужумда асқотди. Ушбу муваффақият учун М. Мирсодиқов III даражали Шуҳрат орденли ва унинг қуролдош дўстлари эса «Жасурлиги учун» медалига тақдим этилдилар.

Уруш урушлигини қилди. Йўлбарсдек бақувват йигитларимизнинг кўпи шаҳид кетдилар. Мираҳмад ака «Агар она-Ватаним тупроғига қадам қўйсам уни кўзларимга тўтиё қилиб суркайман, қолган умримни эл хизматига сарфлайман» деб дилидан ўтказиб қўйган эди.

Орзиқиб кутилган тинчлик кунлари бошланди. Кўкси жанговар мукофотлар шодасига тўла йигит сўзидан қайтмади. Волхов фронтининг 33-ўқчи бригадаси, Калинин фронтининг 226-танкчи полкининг собиқ жангчиси М. Мирсодиқов енгил саноат корхоналарида фидокорона меҳнат қилди. Мана 10 йилдирки, у кексалик гаштини суряпти, Пиру бадавлат бу инсон Собир Раҳимов ноҳиясидаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида истиқомат қилади. Улуғ Ватан урушининг кексалари Қ. Тиллаев, А. Маҳкамов, Ж. Шермуҳамедов, Қ. Ғиёсовлар билан бир сафда ёшларни ахлоқ-одобли ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бош-қош бўлмоқда.

Тўкин дастурхон устида пиру бадавлат, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган икки нуроний — Мираҳмад ота ва Меҳрихон аялар ширин хаёллар оғушида ўтиришибди. Бир-бирларига меҳрибон ва садоқатли бу кексаларнинг 6 нафар фарзандлари халққа нафи тегадиган — ҳожатбарор бўлиб етишишди. 20 дан зиёд невара ва чеваралар нуронийлар истиқболида парвона. Шу топда бир тўда мактаб ўқувчилари муаттар атир гул ҳидлари анқиб турган ҳовлига табассум билан кириб келдилар.

Отахон ва онахонларни туғилган кунлари билан табриклашди.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ,**
**ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**



**Шаҳримиздаги «Шарқ» чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси орасида ўз касбининг усталари бўлган ишчилар кўплаб топилади. Улардан бири сиз суратда кўриб турган тикувчи Закира Сопповадир. Бу пешқадам ишчи 17 йилдан бери корхонада самарали меҳнат қилиб келмоқда.**

**З. Зоҳидов** сурати.

Бир мавзуда икки хат

## ЎГАЙ МУНОСАБАТ

«ЎРИКЗОР» мавзеси ҳамда Фрунзе савдо маркази оралиғида 95-автобус қатнови йўлга қўйилганда жуда қувонган эдик. Афсус, бу қувончимиз узоққа бормади. Автобус қатнаганига ҳали бир ой бўлмаёқ аҳолининг ҳафсаласини сўндирди.

Нега деганда интизорлик билан бекатларда автобус кутадиган бўлиб қолдик. Қани эди 95-автобус ўз вақтида етиб кела қолса! Бу автобус 18-автокорхонага қарайди.

Айниқса 3 октябрь куни бўлган воқеа ҳар бир бекатда турган йўловчининг асабини таранг қилди. Бундай қараганда, автобус 15 минутлик оралиқда қатнаши керак. Биз кутган автобус роппа-роса бир соатда етиб келди. Ана энди, йўловчиларнинг ҳолини «томоша» қилинг! Ҳамма бир соат давомида кўнглига йиғиб турган гапларини ҳайдовчига тўкиб ташлашди. Ҳақиқатда ҳам инсоф керакда! Бир соат ҳам автобус кутадими, киши! Қанча йўловчи кута-кута тоқати тоқ бўлиб, бошқа йўл билан манзилларига жўнашди.

Агар автобусга чиқувчи йўловчилар камлик қилаётган бўлса, нима кераги бор халқни ишонтириб автобус қўйишни! Бўлмаса кичикроқ автобус қўйиб тез-тез келиб туришига эришиш керак. Аҳолига беҳурматлик эви билан-да! Бошқа районларда бу ҳолни кўрмайсиз! Акмал Икромов районидагилар ўгайми? 17-трамвай қатнови қисқартирилган, 13-маршрутли автобус Чорсугача қатнайди. 53-автобус ҳам йўлини ўзгартирган. 64-автобусга кўз тикиб қолганмиз. У ҳам қўшни катта кўчадан юради. Автобусга чиқиш учун «Бирлик» маҳалласига ўтишимизга тўғри келади.

Умуман олганда, бизнинг Акмал Икромов районимизда транспорт қатнови азалдан яхши йўлга қўйилмаган. Бундай аҳволга қачон чек қўйилар экан!

**И. ИСКАНДАРОВА.**

## ҚАЧОН ТАРТИБ БЎЛАРКИН?

ГАПНИ лўндасидан бошлаб қўя қолай. Ҳозирги кунда автобусда йўл ҳақига нақд пул тўланмоқда. Аммо кўплаб автобусларда назоратчи йўқлигидан ҳайдовчилар йўловчиларни текшириб, олд эшикдан тушишга мажбур қиладилар. Бу кўп ҳолларда ҳайдовчи билан йўловчи ўртасида турли нохуш манзараларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, 2-йўналиш бўйича қатновчи автобус ҳайдовчиларининг қилиғи жуда ғалати: улар йўловчилардан фақат пул йиғишни биладилар, аммо сира чипта сотмайдилар.

Автобусларда яна бир ҳолат борки, бу одоб-ахлоқ ўлчовларининг ҳеч бирига сиғмайди. Кўпчилик автобусларда (айниқса, 2-, 67-йўналишдагиларда) эрталабдан 2—3 та қиз-жувон ҳайдовчи бўлмасида ўтириб олиб, қўлида сигарет ёки писта чақиб, ҳайдовчи билан чақчақлашиб у ёқдан бу ёққа қатнайдилар.

Айрим автобусларда ҳайдовчининг «доимий йўловчилар»и ўрнида қиз-жувонлардан ташқари ёш ўспиринларни кўриш мумкин.

2-йўналишда қатновчи ҳайдовчилар учун ёш болаликмисиз, қўлингизда оғир юк борми, кекса ногиронмисиз барибир. Нима бўлганда ҳам олдинги эшиккача қийналиб ўтиб, беш тийин тўласангиз бўлди. Бу ҳолатларга қандай чидашга ҳайрон киши. Бир кишининг қадри беш тийинчалик бўлмаса. Тўғри, бундан ўн йил аввал ҳам ҳайдовчилар чипта текширишарди. Ўша вақтда ўзлари пастга тушиб, автобус эшикларини очиб юбориб, чипта текширардилар.

Ҳозирги ҳайдовчилар йўловчини қийнаб қўйиб, яна йўл ҳақи сўраб, ўриндиқда ялпайиб ўтирадилар. Шаҳардаги мутасаддиларга бу ҳақда кўп марта айтилган эди. Аммо бирор натижа чиқмаётир.

**Ҳ. ТОЛИПОВА,**
**кекса педагог.**

МЕН уруш ва меҳнат кексасиман, биринчи тоифа ногиронман, 6 йилдан бери кўзим ожиз. Кўриш қобилиятимни йўқотганман, пенсионерман. 40 йилдан буён партия аъзосиман.

Шу йил 22 август куни Чилонзордаги телевизор тузатиш устахонасига 77-65-20 рақами билан телефон қилиб, бизнинг антеннамиз ёмон ишлаётганини айтдим. Тузатиб беришлари учун буюртма бердим. Улар манзилгоҳимни, телефон номеримни ёзиб олиб, 24 август куни одам юборишлигини айтишди. Ҳеч кимдан дарак бўлмагач, 27 август душанба куни эрта билан у ерга яна телефон қилдим. Кечгача одам юборишлигини айтишди.

## ЁЛҒОН ВАЪДА

Аммо ҳеч ким келмади. Эртасига яна телефон қилдим. Улар эса қайтадан телефонимни яна ёзиб олиб, кечгача одам боради, деб алдашди. Уларга мен ўзимнинг уруш ва меҳнат кексаси эканлигимни, кўзим ожизлигин маълум қилган эдим. Аммо ҳеч ким хабар олмади. 30 август куни эрта билан устахонага телефон қилиб, яна 4-маротаба буюртма ёзиб олишди.

Менга ўхшаганларга аслида навбатсиз одам юборишлари керак. Орадан 27 кун ўтгач, яъни 17 сентябрь куни эрта билан 77-65-20 рақамига телефон қилиб 5-маротаба буюртма бердим. Уларнинг айтиши бўйича 18 сентябрь куни одам келиши керак эди. Аммо орадан уч кун ўтгандан кейин ҳам ҳеч кимдан дарак бўлмади. Мана кексаларга, ногиронларга, пенсионерларга қилинаётган эътибор, ҳурмат, ғамхўрлик. Афтидан уларга тушаётган буюртмаларнинг бажарилмаётгани ҳеч ким томонидан назорат қилинмаётганга ўхшайди. Бундай хизмат кимга керак?

**Х. ИСРОИЛОВ,**
**А. Икромов район 9-«Дадил» тор кўчасидаги 12-уйда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат кексаси.**

## СУВСИЗ САРСОНМИЗ

ЭСКИ шаҳарда маҳалла аҳолисининг яшаш шароити қандай аҳволда эканлигини кўпчилик яхши билади. Айниқса, йилнинг ёз ва қиш чилласида оддий ичимлик сувининг етишмаслигидан ҳаммамиз қийналмоқдамиз. Сув келадиган қувурларнинг баъзилари чириб кетган. Яна бунинг устига Ибн Исмоил Шоший, 3-берк кўчада яшовчилар учун атиги бир ерда сув олиш жойи бор. Ҳеч кимнинг уйида алоҳида сув жўмраги йўқ. Район сув хўжалиги идорасидагилар истаган вақтда ичимлик сувини тўхтатиб қўйишади.

Шу йилнинг 20 октябрь куни Ибн Исмоил Шоший, 3-берк кўчанинг 1-уйида яшовчи Абдуллаевлар уйида ёнғин чиқди. Ўт ўчирувчилар етиб келиб ёнғинни бартараф қилиш чорасини кўришди. Лекин минг афсуски ўт ўчирувчилар қувурда ичимлик суви тўхтатиб қўйилганлиги сабабли машинадаги сувни сепиб бўлиб бошқа сув топиша олмади. Натижада ўн кишидан иборат уч оила бошпанасиз қолди. Уйнинг ичидаги буюмлар ёниб, кул бўлди. Бунда бизни ичимлик суви билан ўз вақтида таъминламаётган мутасаддиларнинг ҳам айби бор, албатта. Қачон бу кўчадаги оилаларни мунтазам ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилади?

**С. РОЗИҚОВ,**
**Собир Раҳимов ноҳияси кенгаши депутати.**

Уй-жой қурилиши — «Оқшом» назоратида

## ЁН ТОМОНИ ЁЙСИМОН

**СЎНГГИ беш йил ичида шаҳримизда тўрт бурчак шаклидаги уйлар қад кўтармоқда. Уларни баъзан гугурт қутисига ўхшаттинг келади. Ҳозир яна ундан бошқачаси — ён томони ёйсимон шаклидагиси пайдо бўляпти. Бундай уйнинг дастлабкиси яқинда «Олой» бозори олдида фойдаланишга топширилди. Яна бири эса «Сергели — 3» даҳасида қурилмоқда.**

16 қаватли, 128 хонадонга мўлжалланган бу уй асосан ёш оилаларга мўлжалланган. Уйнинг ташқи кўриниши ҳам бежирим. Унинг ҳали битмаган қиёфасига кўз ташлаб турган эдим бир гуруҳ қурувчилар келиб қолишди.

Улардан бири шу қурилиш тресги устаси Халит Сабриевич Жевилов экан.

— Уйни қуриш биз учун жуда қийинчилик билан амалга ошмоқда, — дейди у. — Чунки ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш палласида, умуман йил бошидан бери қурилиш материаллари танқислигига дуч келяпмиз. Бу, албатта, қилинаётган ишнинг сусайишига олиб келяпти. Мана шу уйни ноябрь ойига қадар пардозловчиларга топшириш керак эди, биз эса ҳали уни топширганимиз йўқ. Чунки хом ашё, бетон етишмаяпти.

Қураётган уйимиз жуда мустаҳкам. Ер қимирлашнинг 12—13 балига ҳам бардош бера олади. Чунки уй қурилишида керамзит бетонидан фойдаланяпмиз. Деворларининг қалинлиги 40 сантиметр. Бизга бетонларни Чуқурсой бетон заводи тайёрлаб бермоқда. Мана шу бетон ва арматураларнинг вақтида етиб келмаслигидан уй қурилиши жуда чўзилиб кетди. Сабаби уйнинг пойдевори 1988 йилнинг декабрь ойида бошланган. Мана, 90 йил тугаяпти, лекин шунга қарамай ҳозиргача 80 минг сўмлик ишни бажардик. Қурилиш-пайванд иши учун 1 миллион 200 минг сўм сарфланади. Жами 2 миллион сўмлик иш қилишимиз керак. Шунча етишмовчилик, материаллар танқислигига қарамай ишчиларимиз яхши ишлашяпти. Айниқса, Василий Васильевич Руссу бошлиқ қурувчилар бригадаси ўзини кўрсатмоқда.

**— Василий Васильевич, айни вақтда келдингиз. Ҳозирги долзарб паллада бригадангизда ишлар қандай боряпти?**

— Э, нимасини айтай. У кам, бу кам деяверган билан ҳеч қачон иш битмайди. Қандай бўлмасин ишлашимиз керак. Қурилиш соҳасида бош пудратчи бўлиш осон иш эмас. Ҳар бир қаватни қуриб бўлганимизда бир сидра енгил нафас оламиз, негаки қилаётган ишимиз кўзга кўринади. Қилган ишимиз, яъни ҳар бир қават ҳисобимиз бўйича 12 минг сўм билан битади, демакдир.

Бизнинг бригадада турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Унинг устига бу сенинг ишинг, бу менинг ишим деган гап йўқ. Жами 30 киши доимо бир-бирига ҳамкор ва ҳамдард. Собир Ҳасанов, Муҳаммад Тўхтабоев, В. Врублевский, Чори Ҳайдаровларнинг меҳнатидан бутун бригада миннатдор. Яна бизга энг яқин кўмакдош — қурилиш механизация трестининг кранчилари Зоя Холмуҳамедова ҳамда Озод Каримовларнинг ҳиссалари катта.

**— Мана кўп йиллардан буён қурилишда меҳнат қилар экансиз. Бинолар қурилишидаги фарқлар нималардан иборат?**

— Уларнинг ўртасидаги фарқ жуда катта. Сабаби, панелли уйлар жуда тез битади. Бундай керамзит бетонли уйларни бизнинг 8-трестимиз биринчи бор қуриши. Шунинг учун бўлса керак, ишимиз кўнгилдагидай бўлмаяпти. Арматура ва цемент вақтида келиб турса эҳтимол бунчалик кечикиш бўлмасди. Энди керамзит бетонли уйнинг қурилишига келсак, уларни бунёд этиш қийин, лекин яшовчилар учун қулай томони бор. Ҳар бир хонадонда ўзига хос жавонлари мавжуд бўлади. Фабрикаларда тайёрланган жовонлар деярли бу уйларнинг хоналарига тўғри келмайди. Ҳар бир нарсанинг ўзига хос хусусияти деганларидек бу уйнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Дарвоқе, Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг «Сифат» бирлашмасига қарашли 8-трестнинг меъмори Розинблюн ва бош муҳандиси В. Ришовларнинг бу лойиҳадаги уйлари муваффақият қозониши аниқ. У ҳаммага ёқади. Бундай уйлардан даҳада яна 3 та қурилиши керак. Сўнгги уй 1993 йилда қуриб битказилиши режалаштирилган.

**Г. МАМБЕТОВА.**



**Тошкент «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмасида жуда кўплаб турдаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.**

**СУРАТДА: корхонанинг пешқадам ишчиларидан (чапда) техника назорати бўлими назоратчиси Р. Мирабзалова ва В. Тихонов.**

**Т. Каримов** суратлари.

